



QAROR

Газалкент шаҳри

№ 1081

«17» июл 2015 йил

Бўстонлик тумани Хўжакент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан “UNUM BO'STON SAVDO” маъсулияти чекланган жамиятига “Болалар спорт-соғломлаштириш ва дам олиш маскани” қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 февралдаги 45-сонли 2011 йил 25 майдаги 146 ва 147-сонли, 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли қарорларини ижроси юзасидан, Тошкент вилоятида жисмоний ва юридик шахсларга ер қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ер участкаларини бериш амалиётини ўрганиш вилоят Комиссиясининг 2015 йил 16 майдаги йиғилиш баёнининг 153-банди ижросини таъминлаш мақсадида Бўстонлик тумани, Хўжакент қишлоқ фуқаролик йиғини ҳудудидан ерлар таркибидан “UNUM BO'STON SAVDO” маъсулияти чекланган жамиятига “Болалар спорт-соғломлаштириш ва дам олиш маскани” қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) комиссиясининг 2015 йил 26 майдаги йиғилиш баёни ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси, “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бўстонлик тумани Хўжакент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган яйлов ер майдонидан хўжалик таркибидан “UNUM BO'STON SAVDO” маъсулияти чекланган жамиятига “Болалар спорт-соғломлаштириш ва дам олиш маскани” қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) комиссиясининг 2015 йил 26 майдаги йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бўстонлик тумани Хўжакент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган яйлов ер майдонидан хўжалик харитасининг 768-782-783-контурларидан 4,0 гектар ер майдони “UNUM BO'STON SAVDO” маъсулияти чекланган жамиятига “Болалар спорт-соғломлаштириш ва дам олиш маскани” қурилиши учун танланиши ва доимий фойдаланишга ажратилиши маъқул деб тоқилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Э.Пўлатов зиммасига юклагилсин.



И.И.Хасанов